


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 25 август, № 174 (9069) Душанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин:

### I даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Қодиров Ғайрат Тоирович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

### «Мардлик» ордени билан

**Қурбонов Достонбек Зафаржон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Исмоилов Абдувохид Саломович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**Турсунов Икромжон Нормуродович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**Юсупов Санжар Абдукаримович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

### «Дўстлик» ордени билан

**Ахмеджанов Тимур Фатихович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Гордиенко Оксана Михайловна** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича инспектори

**Ташкулов Акбар Джурабаевич** — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

**Фазилов Ботир Наимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқарма бошлиғи

### «Жасорат» медали билан

**Бўронов Жасурбек Ботир ўғли** — Сурхондарё вилояти «Айритом» чегара божхона пости катта инспектори

**Давронов Лазизбек Рахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ гуруҳ командири-йўриқчиси

**Джалилов Расул Абдуганиевич** — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Бекобод шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими катта йўриқчи-қутқарувчиси

**Исмайлов Женисбай Аминбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм секция мутахассиси

**Мирзахмедов Акмал Насридинович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Неъматов Жасур Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Сиддикова Моҳигул Махмудовна** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати отряди патруль-пост хизмати инспектори

**Якубов Собитжон Муминжон ўғли** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдурахманов Хасанбой Алишерович** — Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Норин тумани фавқулодда вазиятлар бўлими смена бошлиғи

**Бабаев Акмал Абдукаримович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ўқув маркази бошлиғи

**Байнова Ямиля Салимяновна** — Хоразм вилояти Давлат архиви бош архивчиси

**Ботиров Нодир Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппарати бўлим бош сержанти ёрдамчиси

**Зиятов Асамиддин Холмуминович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**(Давоми 2-бетда).**

## ИОРДАНИЯ ПОДШОҲИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн 25-26 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.**

Олий мартабали меҳмон ташрифининг асосий тадбирлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Саммит кун тартибидан сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, кимё, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, кончилик ва бошқа тармоқларда кооперацияни йўлга қўйиш, маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Музокаралар якунида икки томонлама битимлар тўплами имзоланиши кўзда тутилган.

**ЎзА.**

Биз ва жаҳон

## ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йил февраль ойида ўрнатилган. Ўтган йиллар давомида икки давлат расмий алоқалардан сиёсат, иқтисодиёт ва маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олган ҳар томонлама ҳамкорликка ўтди.*

1994 йил июнь ойида Тошкентда Иордания элчихонаси ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирда қароргоҳи Ар-Риёдда бўлган Ўзбекистон элчиси бир вақтнинг ўзида Аммонда аккредитациядан ўтган.

Бундан ташқари, 2007 йилнинг август ойидан буён подшоҳлик фуқароси Луай Абу Ғаззала раҳбарлик қилаётган Ўзбекистоннинг Иорданиядаги фахрий консули институти фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён олий даражадаги сиёсий мулоқотлар, асосан, халқаро майдонларда учрашувлар, телефон орқали мулоқотлар ва юқори даражадаги ташрифлар алмашиш форматида олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар янги суръатга эга бўлди. Томонлар ўзаро манфаатли муҳим салоҳиятга таянган ҳолда ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш истагини намоён этмоқда.

➔ 2

Муносабат

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

*Янги Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти кейинги йилларда изчил анъанага айланган ва мамлакатда бизнес муҳитини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутган жараённинг давоми бўлди.*

Президент тадбиркорларни касб байрами ҳамда мустақиллигимизнинг 34 йиллиги билан табриклаб, сўнгги саккиз йилда иқтисодиётимизда амалга оширилган улкан ўзгаришларга эътибор қаратди. Ушбу давр мобайнида иқтисодиётга 230 миллиард доллар инвестиция киритилди, уларнинг 120 миллиард доллардан ортиғини хорижий сармоялар ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиётнинг 7,2 фоизга ўсиши ҳам мамлакатда яратилган қулай шарт-шароитлар самараси сифатида таъкидланди.

Мулоқотда бизнес юритиш имкониятларининг кенгайиб бораётгани ва хусусий секторда иш ҳақи фондининг сезиларли ўсиши қайд этилди. Агар ўтган йили хусусий секторда ўртача ойлик маош 4 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 5 миллион сўмга яқинлашгани аҳолининг турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатаётгани алоҳида эътироф этилди.

➔ 3

Мушоҳада

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАДРЛАНАЁТГАН ЮРТ

*Бундан ўттиз тўрт йил аввал миллий мустақиллигимизни собиқ иттифоқ мафкурасининг оғриқли зарбалари кучайган бир пайтда қўлга киритгандик. Ўша пайтдаги жароҳатлар иллати қон-қонимизга шунчалар чуқур сингиб кетган эканки, гўё ҳалигача уларнинг асоратларидан тўла қутула олмаётгандекмиз...*

Маълумки, мустақиллигимизнинг илк даврларида бутун куч ва эътибор қандай қилиб бўлмасин, мамлакат яхлитлиги ва тинчлигини сақлаб қолишга қаратилди. Шунинг учун ҳам сиёсий эркинликлар, инсон ҳуқуқларидан тортиб, парламентаризмгача, эзгу ғоялардан тортиб аниқ мақсадлар атрофида бирлашиш ниятидаги ҳаракатларгача ана шу МАҚСАД олдида аҳамиятсиз саналган. Ҳатто яхши ниятда илгари сурилган ғоялар, турли қарашларга эргашган кучлар ҳам Ўзбекистон Республикасини озод давлат сифатида сақлаб қолиш учун қайсидир маънода хавф туғдирадигандек қабул қилинарди. Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбари давлатчиликни сақлаб қолиш мақсадида қаттиққўл сиёсат олиб борар, керак пайтларда амалдаги қонунларга ҳам кўз юмилар, кўп ҳолларда жамиятнинг ёрқин фикрли вакилларига қулоқ солмаслик ҳам ўша давр сиёсатининг ажралмас талаби эди.

➔ 3

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда илгари сурилган ташаббуслар

## ИШБИЛАРМОНЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ



Энди давлат улуши бўлмаган корхоналарга экспортда муддати ўтган қарздорлик учун жарима ҳисоблаш ва ундиришга бир йиллик мораторий эълон қилинади.

Корхонасига ташқи инфратузилмани ўз ҳисобидан барпо этаётган тадбиркорларнинг бу харажати **солиқ базасидан чегириб ташланади**.

Бизнес вакилларининг **70 — 80 фоизида** қўшимча жой олишга эҳтиёж бор. Лекин ижара шарти тез ўзгараётгани уларнинг келгуси режаларига таъсир қилмоқда. Шу боис келгуси йилдан давлат активлари **5 йилга** ижарага берилади.



Йиллик айланмаси **1 миллиард сўмгача** бўлган тадбиркорлар келгуси йил 1 январдан бир хил, яъни оборотидан **1 фоиз** солиқ тўлашга ўтказилади. Натижада илгари айланма маблағи 100 миллиондан 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркор **30 — 40 миллион сўм** солиқ тўлаган бўлса, энди унинг солиқ юки **3-4 карра камаяди**. Бунинг ҳисобига якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобида йилига **1 триллион сўм** қолади.



**Хусусий секторга янада кенг йўл очилди**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Мактабгача таълим тизимида хусусий сектор учун кенг йўл берилиб, энди боғчалар қамрови **70 — 80 фоиздан** паст бўлган **80 та туманда** тадбиркорларга **енгилликлар тақдим этилади**.

Ушбу туманлардаги боғча ва мактабларнинг бўш ерларида хусусий шериклик асосида **боғча қуришга рухсат берилади**. Бунда тадбиркорлардан ер учун **ижара ҳақи 30 йил давомида ундирилмайди**, уларга давлат боғчасида ҳар бир болага кўзда тутилган **харажатнинг 50 фоизи субсидия шаклида ажратилади**.

1991 йилда қабул қилинган **“Ижара тўғрисида”ги Қонун**, асосан, давлат органлари манфаатини ҳимоялашга қаратилган. Шу боис ижарага берувчи ва ижарачи ҳуқуқларини бирдек муҳофаза этадиган **янги таҳрирдаги қонун ишлаб чиқилади**.



Мазкур туманлардаги бошқа жойларда боғча ташкил қиламан деган тадбиркорларга **7 йил** муддатга **5 миллиард** сўмгача **18 фоизли** имтиёзли кредит ажратилади. Фаолиятини ўзгартирмаслик шарти билан **ерни текинга олиш имконияти яратилади**, уларга ижтимоий солиқ **1 фоиз** этиб белгиланади, тарбиячиларининг маоши **3 йилгача** тўлаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Қорёғдиев Лазиз Норқулович** — Бухоро вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи

**Мирзарахимов Шавкатжон Жолдошович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

**Муҳаммадиев Шерали Сафарович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Эксперт-криминалистика маркази бош эксперти

**Носиров Абдухалил Рустамович** — Бухоро вилояти Жондор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Сабиров Ажибай Махаметсалиевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Сулайманов Улмас Назарович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар бўлими бошлиғи

**Таджиев Ибрагим Исакович** — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Тлеубаев Аллаяр Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бош сержанти

**Усанов Отабек Эшқобулович** — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани прокурори

**Халилов Умар Мухаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус бошқармаси гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси

**Шодиев Эркин Самиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Эрматов Бунёджон Сирочидинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм мутахассиси

**Юлдашев Жонибек Зарипбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ йўриқчи-сержанти

### «Соғлом турмуш» медали билан

**Худайназаров Мансурбек Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бошлиғи

### «Шуҳрат» медали билан

**Алиев Миразим Акмалович** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Миллий кинология маркази бўлим бошлиғи

**Атаханов Дастан Кадирбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Нукус шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими йўриқчи-қутқарувчиси

**Аширматова Барно Сааталиевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқармаси катта офицери

**Мавлонов Мардон Абдухамид ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Мансурова Зулфия Саидмуродовна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бош мутахассиси

**Мурзаев Рустам Камилович** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Марказий божхона лабораторияси бошлиғи ўринбосари

**Муродов Зоир Зокирович** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ғиждувон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Наржигитов Ўткир Арзикулович** — Тошкент вилояти Чиноз тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси

**Нуржанов Зиёдбек Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Рустамов Сардорбек Ахматжонович** — Андижон вилояти Андижон туманлараро иқтисодий суди раиси

**Рустамов Турсунбой Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Навоий шаҳар бўлими бошлиғи

**Суванов Алишер Каримович** — Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Жарқўрғон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими қутқарувчи-ёнғин ўчирувчиси

**Ҳазратқулов Захриддин Собиржанович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

**Хайдаров Музаффар Рахмоналиевич** — Наманган вилояти Учқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Худайбердиева Рохила Ахмадовна** — Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси

**Худойбердиев Баходир Абдурайимович** — Сурхондарё вилояти Ангор тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази директори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 24 август

# ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

1

Жорий йилда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Аммонга ташриф буюрди ва унда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Ҳусайнга самимий тилаклари етказилди. Делегация Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн томонидан қабул қилинди, Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири Айман ас-Сафадий билан музокаралар, шунингдек, сармоя, олий таълим, вақфлар, ислом ишлари ва муқаддас қадамжолар вазирликлари раҳбарияти, йирик компаниялар вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Дипломатик паспорт эгалари учун виза режимини бекор қилиш тўғрисидаги битим, шунингдек, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган қўшма ҳамкорлик дастури имзолангани эътиборли натижалардан бири бўлди. Бу қадамлар ўзаро муносабатларни тизимли қилиш ва уларни янги босқичга олиб чиқиш истагини намоён этади.

Ўзбекистон, одатда, очиқлик ва кўп векторли ташқи сиёсат йўналишини намойиш этмоқда. Расмий Тошкентнинг сўнгги йилларда Яқин Шарқ мамлакатлари билан ўзаро алоқалари фаол ривожланмоқда. Бу, хусусан, Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар билан 2020 — 2023 йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб беш бараварга ошганида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар каби кўп томонлама форматлардаги иштироки Ўзбекистон — Иордания муносабатларини чуқурлаштириш учун қўшимча платформа яратмоқда.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик нисбатан камтарона даражада қолмоқда, бироқ томонлар уни фаоллаштириш стратегиясини белгилаб олган. Жумладан, 2024 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Иордания Ўзбекистонга фармацевтика ва кимё маҳсулотлари, асбоб-ускуналар ва машиналар етказиб беряпти, Ўзбекистон эса мис, қуритилган мевалар, ёнғоқ ва тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилади.

> *Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги алоқалар чуқур тарихий асосга эга. Ҳар икки давлатни ислом маданияти, умумий тарихий мерос ва кўп асрлик диний ҳамда маданий алмашинув анъаналари бирлаштиради. Бу ўзига хос ишонч ва ўзаро тушуниш муҳитини яратади ҳамда икки томонлама муносабатларнинг гуманитар жиҳати учун айниқса, муҳим.*

Икки мамлакат инвестиция, саноат ва савдо вазирлари ўртасидаги 2025 йилдаги музокаралар ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканликларини тасдиқлади. Товарларнинг икки мамлакат бозорларига чиқишини соддалаштирадиган имтиёзли савдо битимини имзолаш, тоғ-кон саноати, жумладан, фосфатлар, мис ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, фармацевтика, тўқимачилик, енгил саноат ва рақамли иқтисодиёт жабҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳим йўналишлар қаторига киради.

Тадбиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, тармоқ кўргазмалари, бизнес-форумлар ва савдо миссияларини уюштириш бўйича Ўзбекистон — Иордания ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш нияти алоҳида аҳамиятга эга. Иордания, шунингдек, ўзининг қулай географик жойлашувидан Ўзбекистон товарларининг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бозорларига чиқиши учун хаб сифатида фойдаланишни таклиф қилмоқда.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги алоқалар чуқур тарихий асосга эга. Ҳар икки давлатни ислом маданияти, умумий тарихий мерос ва кўп асрлик диний ҳамда маданий алмашинув анъаналари бирлаштиради. Бу ўзига хос ишонч ва ўзаро тушуниш муҳитини яратади ҳамда икки томонлама муносабатларнинг гуманитар жиҳати учун айниқса муҳим.

Маданий-гуманитар ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари қаторига академик алмашинувларни кенгайтириш, қўшма таълим дастурлари ва талабалар учун стипендиялар ажратиш, умумий тарихий-маданий меросга бағишланган фестиваллар, кўргазмалар ва конференциялар ўтказиш, исломшунослик, илоҳиётшунослик, тарих ва археология соҳасидаги ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш, жумладан, қўшма тиббий дастурлар ва телетиббиёт соҳасида тажриба алмашиш киради.

Маънавий қадриятларнинг яқинлиги узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда, бунда маданий алмашинувлар умумий ривожланишнинг ажралмас қисмига айланаётир.

Иордания вакиллари сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўтказилган халқаро маданий тадбирларда, хусусан, Халқаро мақом санъати анжумани ва Халқаро ҳунармандчилик фестивалида фаол иштирок этди.

Албатта, Ўзбекистон ва Иордания ўзаро ишонч, умумий маданий қадриятлар ва бир-бирини тўлдирадиган иқтисодий салоҳиятга асосланган манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга қодир. Режалаштирилган ташаббусларнинг амалга оширилиши нафақат ҳамкорликни чуқурлаштириш, балки уни Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда барқарорлик ҳамда тараққиётнинг муҳим омилига айлантиради.

Шу нуқтаи назардан, Иордания етакчисининг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи икки томонлама шерикликни кенгайтириш учун янги уфқларни очади. Аниқ келишувлар билан мустаҳкамланган томонларнинг сиёсий иродаси эса ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кенгайтириш, сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш учун шароит яратади.

**«Дунё» АА.**

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

# ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ЗАМОНАВИЙ ГИДРОАГРЕГАТЛАР

*Гидроэнергетика соҳасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар нафақат юртимизда, балки Марказий Осиё мамлакатлари орасида ҳам юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Жумладан, гидроагрегатлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш йўналишида ҳам.*

Фикримизни ушбу соҳани ривожлантиришда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган “UzHydroPower” заводи фаолияти мисолида давом эттирсак. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишга туширилган бу корхона юртимизда маҳаллий ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш ҳамда иқтисодий мустақилликни таъминлаш имконини бераётир.

Бугунги кунда Хитой компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу қўшма корхона Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган бўлиб, ҳудуди қарийб 5 гектарга тенг. Корхонада “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси асосида қуввати 1 кВт дан 40 МВт гача бўлган замонавий гидроагрегатлар, турбиналар, генераторлар, сув насос агрегатлари ҳамда сув омборлари учун металл конструкциялар ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳаллийлаштириш доирасидаги бундай ислоҳотлар корхонанинг гидроагрегатлар ишлаб чиқариш бўйича нафақат Марказий Осиёда, балки дунё бўйича ҳам саноқли заводлар қаторига киришига замин яратди.





— Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибида камида 72 фоиз маҳаллий компонентлардан фойдаланилади, — дейди “UzHydroPower” қўшма корхонаси директори Ғолиб Пардаев. — Бу эса мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтириб, иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш даражасини ошириш, импортга бўлган эҳтиёжни камайтириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қиляпти.

Албатта, маҳаллийлаштириш маҳсулот нархи, экспорт салоҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу заводда ишлаб чиқарилаётган гидроагрегатлар ҳамда эҳтиёт қисмлар нархи Хитойда ишлаб чиқарилган ўхшаш ускуналарга нисбатан 12 фоиз, Россия ишлаб чиқарувчиларига нисбатан эса 27 фоиз арзон. Келгуси йилдан бошлаб завод маҳсулотларини қўшни давлатларга экспорт қилиш режалаштирилган.

Мазкур корхонанинг техник бўлими раҳбари Баҳодир Назаровнинг айтишича, бу ерда кичик гидроэлектростанцияларнинг лойиҳаси яратилиб, унга зарур бўладиган барча ускуна ҳамда техникалар шу ернинг ўзида тайёрланади.

Дарвоқе, қўшма корхонада бешта ишлаб чиқариш цехи мавжуд бўлиб, улар саксондан ортиқ замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ҳозирги кунда бу ерда 255 мутахассис фаолият юритмоқда, яқин келажакда бу кўрсаткични 350 нафарга етказиш кўзда тутилган. Ишчи-ходимлар учун барча шарт-шароит ва маиший қулайликлар мавжуд. Заводда “Устоз — шогирд” анъанаси асосида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилган. Етти нафар салоҳиятли ёш мутахассис Хитойда уч ойлик малака ошириш курсларида иштирок этиб қайтишгани, шунингдек, 60 нафарини хорижда ўқитиш режалаштирилгани эса малакали кадрлар масаласи босқичма-босқич ҳал этилаётганидан далолат, албатта.

Маълумот учун айтиш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда гидроэнергетика соҳасида 430 МВт қувват яратилди ва умумий қувват 2,3 ГВтга етказилди. “UzHydroPower” томонидан ишлаб чиқарилган ускуналар Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятидаги ўнга яқин кичик ГЭСларда муваффақиятли ишга туширилди. Ҳозирги кунда заводда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар, хусусан, йирик лойиҳалар — “Чотқол дарёсида Қуйи Чотқол ГЭС қурилиши” инвестиция лойиҳаси (90 МВт) ҳамда Норин дарёсида Норин ГЭСлар каскади қурилиши лойиҳаси (228 МВт) учун зарурий жиҳозлар ҳамда эҳтиёт қисмлар тайёрлаб, етказиб берилмоқда.

Дарҳақиқат, гидроагрегатлар ва зарурий эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу каби заводлар жаҳон кесимида саноқли ҳисобланади. Яқин истиқболда бу ерда яна кўплаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

# Қаршида сув спорти саройи қурилмоқда

*Қарши шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массивида республика касаба уюшмалари Федерацияси кўмагида замонавий сув спорти саройи барпо этилмоқда.*

Бунёдкорлик



— Ушбу сув спорти саройи тўртта 50x21 метр ўлчамли сузиш ҳавзаси, 16x16 метр ўлчамли баландликдан сакраш ҳавзаси ҳамда 2 та 6x12 метрли болалар учун чўмилиш ҳавзасидан иборат, — дейди қурувчи ташкилот вакили Акбар Бурҳонов. — Шунингдек, мажмуа маъмурият, сузиш ҳавзаси учун ёрдамчи ҳамда медиа хоналар, фитнес ва мажлислар залини ўз ичига олади.

Айни пайтда қурилиш ишлари 70 фоиз бажарилган. Бу вилоятдаги сув спорти иншоотлари ичида энг йирик ва замонавийси бўлиши кутилмоқда.

Лойиҳа қиймати 103 млрд. сўмни ташкил этувчи мазкур мажмуа 2 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, сув спорти ихлосмандларига йилнинг тўрт фаслида ҳам бирдек хизмат кўрсатади.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Қулайлик

# Энди нуронийларнинг ўз автобуси бор

*Сирдарё вилояти ҳокимлигининг захира маблағи ҳисобидан республика “Нуроний” жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими “Yutong” русумли янги автобус билан таъминланди. У узоқ сафарлар учун зарур барча қулайликка эга бўлиб, метан газга мослаштирилган ва бир ёнилғи захираси 700 километрга етади.*

Янги автобуснинг илк саёҳат йўналиши Нуротадаги “Чашма” зиёратгоҳига бўлди. Маълум қилинишича, бу автобусдан ҳар бир туман-шаҳар нуронийлари навбат билан фойдаланиши йўлга қўйилади. Фақат мамлакатимиз бўйлаб эмас, қўшни давлатларга ҳам саёҳатлар ташкил этилади.

— “Нуроний” жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлимига автобус олиб берилгани жуда хайрли иш бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Суюн Номозов. — Энди мамлакатимиз тарихий шаҳарларига зиёратларимиз янада кўпаяди. Натижада бундай қизиқарли саёҳатларда ҳар йили юзлаб нуронийларнинг иштирок этиши таъминланади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Тиббиёт кластерларини барпо этган тадбиркорларга 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан 17 фоизли арзон кредитлар берилади.**

# ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

1

Давлатимиз раҳбари солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, тадбиркорларни ортиқча ҳисоботдан озод қилиш ва инвестиция платформаси орқали маблағ жалб этиш имкониятлари бизнес муҳитини янада очиқ ва эркин қилажагини айтди.



Президентимиз хизматлар соҳасини иқтисодиётда энг самарали йўналишлардан бири сифатида белгилар экан, туризмни ривожлантириш бўйича янги дастурни эълон қилди. Меҳмонхоналар қуриш учун тадбиркорларга ер ажратилиб, давлат уларнинг лойиҳаларига улушдор сифатида киришади. Шу билан бирга, оилавий меҳмон уйлари фаолияти учун имкониятлар янада кенгайтирилади, хусусан, маҳаллий меҳмонхоналар, оилавий меҳмон уйлари ўртасида мукофот жамғармаси 1 миллион доллар бўлган танлов ўтказилади. Бу сифат учун ишлаётган меҳмонхоналарга катта рағбат бўлади.

Учрашувда ёшлар тадбиркорлиги ва стартаплар масаласи ҳам марказий ўринни эгаллади. Мамлакатимизда ҳозирги кунда 600 дан зиёд стартаплар фаолият кўрсатмоқда ва уларга рекорд миқдорда хорижий сармоя кириб келмоқда. Эндиликда ёшларнинг мингта ғояси тижоратлаштирилади, икки юзи халқаро бозорга олиб чиқилади, юзта маҳаллий стартап эса халқаро даражада жозибадор бизнесга айлантирилади. Шу мақсадда 100 миллион доллар ажратилади, "Ёш тадбиркорлар чемпионати" ташкил этилиб, ғолиблар 1 миллиард сўмгача сармоя билан қўллаб-қувватланади.

Таълим ва тиббиёт соҳаларида ҳам тадбиркорлар учун катта имкониятлар очилади. Боғча қамрови паст туманларда тадбиркорларга ер 30 йилгача ижара ҳақисиз ажратилади, давлат боғчасида ҳар бир болага сарфланадиган харажатнинг ярми субсидия қилиб қопланади. Шунингдек, тиббиёт кластерлари учун имтиёзли кредитлар берилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг сўзларига кўра, мамлакатда бизнес муҳитини янада енгиллаштириш учун 2026 йилдан "Бизнесни 15 дақиқада бошлаш" тамойили жорий этилади. Бу тизим тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш жараёнидаёқ электрон рақамли имзо бериш, банк ҳисоб рақами очиш ва масъул давлат органларига хабарнома йўллаш имконини беради. Шу билан бирга, сертификатлаш амалиёти қисқартирилади, маҳсулот хавфсизлиги ва сифатини баҳолаш тизими халқаро стандартларга мос равишда ислоҳ қилинади.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти нафақат уларнинг фикр ва таклифларини эшитиш, балки мамлакат иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқадиган аниқ йўналишларни белгилаш жараёни бўлди. Йўлга қўйилаётган ислоҳотлар бизнес муҳитини янада очиқ ва эркин қилиши, туризмдан тортиб таълим ва тиббиётгача, ёшлар стартапларидан то молиявий хизматлар тизимигача бўлган соҳаларда кенг имкониятлар яратиши, шубҳасиз. Бу ташаббуслар амалга ошар экан, тадбиркорлик руҳи ва давлат қўллаб-қувватлаши юртимизнинг иқтисодий юксалишига кучли туртки бериши кутилмоқда.

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАДРЛАНАЁТГАН ЮРТ

1

Ва ана шундай сиёсат туфайли ҳам Ўзбек давлатчилиги сақлаб қолинди, деб айтиш мумкин.

Яна бир гап: агар ўша пайтларда Польша, Руминия каби Европага яқин давлатлар ривожланиш, аҳоли фаровонлигига эришиш учун турли моделлар ёхуд ижтимоий дастурлар ҳақида ўйлаган бўлса, Марказий Осиё халқлари, хусусан, Ўзбекистонда ҳам мустақиллик нима ўзи, алоҳида яшашни қандай тушуниш керак, ўзи биз киммиз, деган саволлар қаршисида қолганди...

Шуниси қувонарлики, айнан шундай синовлардан ўта олган халқимиз бугунга келиб, бунёдкорлик ва том маънодаги эркинлик ғоялари асосида Ўзбекистон давлатчилигининг иккинчи омадли даврига қадам қўйди.

Яъни дунёда турли низо ва оғриқли зиддиятлар, миллат ва элатлар эрки, давлатлар суверенитетига раҳна солишлар авж олаётган бир пайтда айтиш мумкинки, Ўзбекистонга ҳар қандай мураккабликларни олдиндан сезадиган ва хатарларни ҳал қила оладиган инсон раҳбар бўлиб келди. Бу, шубҳасиз, халқимизнинг омади ва бизни Худонинг қўллаганидир!

Биламизки, узоқ йиллар Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарига елкадош бўлиб, ўта масъулиятли паллаларда Ватанимизга ўз садоқатини кўрсатган Шавкат Мирзиёев ниҳоятда мураккаб давр оғирликлари билан бирга йўл қўйилган хатоликларни ич-ичидан билгани учун ҳам ўтиш даврида кўп миллатли халқимизни ривожланиш йўлига дадил олиб чиқа олди ва янги Ўзбекистон ислоҳотлари ташаббускорига айланди.

Шу ўринда жамиятни бирлаштиришга хизмат қиладиган асосий нуқта — сиёсий тизим ўзгаришлари давлат раҳбарининг янги Ўзбекистон ислоҳотларида асосий ўрин эгаллаганини таъкидлаш жоиз. Яъни миллий парламентаризмни кучайтириш, мамлакатдаги турли сиёсий тўлқинларни халқимиз манфаатига бура олиш, партияларга оғизда эмас, амалда эркинлик бериш орқали қонун чиқарувчи олий органнинг соғлом рақобат майдонига айланишига бирламчи эътибор қаратилди. Бунинг натижаси, аввало, конституциявий ислоҳотларда намоён бўлди: 80 фоизи батамом янгиланган Бош қомусимиз шу маънода ҳам янги Ўзбекистоннинг эҳтиёжи эди.

Зеро, ана шу муҳим ҳужжат қабул қилингунга қадар инсон ҳуқуқларига оид тартиб-қоидалар, мавжуд иқтисодий ва сиёсий тизимига бўлган талаблар амалдаги қонунларда бошқаю, Конституцияда бошқа эди. Халқ бундай номувофиқликдан қаттиқ азият чекарди. Янги Ўзбекистонда ўтган энг муҳим сиёсий воқеа — референдум ва конституциявий ўзгаришлар шу маънода ҳам ҳаётий заруратдан келиб чиқиб амалга оширилди. Энг асосийси, давлат раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу ғоя парламентдаги икки йирик партия — ЎзЛиДеП ва "Миллий тикланиш" томонидан ташаббус қилингач, фуқароларимиз тўла қўллаб-қувватлади.

Шу тариқа аҳолининг хоҳиш ва истаклари қонунлар ҳамда Конституцияда уйғунлашди. Биз шуни фахр билан айта оламизки, "Миллий тикланиш" саъй-ҳаракатлари ҳам янги Ўзбекистон тарихидаги энг муҳим воқелик — МИЛЛИЙ КОНСТИТУЦИЯ яратилишига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Сиёсий соҳадаги ислоҳотлар туфайли халқ уйи, деб аталаётган парламентда ҳам баҳс-мунозараларга йўл очилди ва қонунларга партия ғояларини сингдириш учун ҳам сиёсий имкониятлар берилди. Яна бир гап: янги Ўзбекистон ислоҳотлари жараёнида партиямиз қарашларида ҳам, мақсадларида ҳам ўзгаришлар юз берди.

Масалан, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" шиорини олайлик. Партия узоқ йиллар ана шу шиорга амал қилди. Аммо янги Ўзбекистон ислоҳотлари даврида биз "Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради" деган ғоявий шиорни танладик: яъни биз ривожланаётган замонавий дунёда миллий қадриятларимизни асраган ҳолда ўзгариш ва ривожланиш йўлига киришимиз керак, деган ғояни бош шиоримизга айлантирдик.

"Ҳар қандай тараққиёт қадриятларга таяниши керак", деган ғоя эса партия чақириғи сифатида янграй бошлади.

Маълумки, кейинги йиллар глобал дунёда моддий неъматлар кўпайиб, яшаш шароитлари тобора яхшиланаётганига қарамасдан, урф-одат-



лардан воз кечиш, оилага бегона кўз билан қараш, аждодлардан узоқлашиш, бир сўз билан айтганда, қадриятларни унутиш жараёни авж оляпти. Биз ана шундай хатоларни такрорламаслик учун ҳам қадриятларимизни қадрлашни, тарих ва тилимизни ардоқлашни ўрганишимиз керак, деб ҳисобладик. Ва ана шундай мақсадларимиз мазмунини берувчи янги шиор ҳамда чақириқларимизни юртдошларимизга етказдик. Энг қувонарлиси, кўп ўтмай ижобий акс садоларни эшита бошладик.

Янги Ўзбекистон ислоҳотлари жамиятни уйғотди, барча сиёсий партиялар учун бирдек имкониятлар яратди. Бу халқимизнинг олдинга ташланган жуда муҳим қадами эди. Тўғри, биз мустақиллигимизни 1991 йили қўлга киритдик. Аммо Президент Шавкат Мирзиёев томонидан янги Ўзбекистон ислоҳотларига старт берилиши билан ўзбек халқи чинакам мустақилликка — ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий эркинликка эришди, десак, хато бўлмайди.

*"Янги Ўзбекистон ислоҳотлари жамиятни уйғотди, барча сиёсий партиялар учун бирдек имкониятлар яратди. Бу халқимизнинг олдинга ташланган жуда муҳим қадами эди. Тўғри, биз мустақиллигимизни 1991 йили қўлга киритдик. Аммо Президент Шавкат Мирзиёев томонидан янги Ўзбекистон ислоҳотларига старт берилиши билан ўзбек халқи чинакам мустақилликка — ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий эркинликка эришди, десак, хато бўлмайди."*

Тўғри, ҳали олдимизда жуда катта вазифалар турибди, ўзгариш ва янгиланишлар йўлида ҳатто кескин бурилишлардан ҳам ўтишимизга тўғри келар. Лекин йўлимизда ҳар қанча қийинчиликлар пайдо бўлса ҳам миллат ўз етакчиси — Шавкат Мирзиёев атрофида бирлашиб, олий мақсад сари дадил одимламоқда. Ва бу йўлнинг бошланиши янги Ўзбекистон ислоҳотлари бўлди. Айнан шу сабабли ҳам бу сафари мустақиллик байрамини бошқача кутиб оляпмиз. Унинг замирида эса туманлар тарқалиб, озодлик йўлимиз яққолроқ кўрина бошлаганини айтиш жоиз.

Тарих ва тақдирлар, муваффақият ва имкониятлар ҳақида гап кетганида, янги Ўзбекистон ислоҳотларининг ташаббускори Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз тарихидаги беқиёс ўрнини алоҳида таъкидлаб, унинг фаолиятига холис баҳо бериш керак, деб ҳисоблайман. "Миллий тикланиш" президентлик сайловларида айнан Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлагани ҳам шундан.

Бугун биз баралла айта оламиз, мустақил Ўзбекистон бу янги Ўзбекистондир. Мустақил Ўзбекистон бу ўз йўлини аниқ билган, мақсади ва ниятларини бутун дунёга баралла эшиттираётган эркин давлатдир. Турли фикрларни илгари сураётган, турли сиёсий кучларни ягона мақсадга бирлаштира олган куч эса бу Ўзбекистонга бўлган муҳаббат, Ватанга бўлган меҳрдир. Бугун халқ фаровонлиги учун меҳнат қилиш иштиёқи бизни ягона, якдил — бир мушт бўлишга ундаяпти. Зеро, Мустақиллик улуғ неъмат ва уни асраш учун буюк халқ ва қудратли давлат зарур.

**Алишер ҚОДИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари.**

# Меҳрдан яралган инсонпарварлик

*Шу йил 14 август куни "Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони эълон қилинди.*

**Акс садо**

Мазкур ҳужжат мамлакатимизда инсонпарварликка асосланган муносабатларни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонга олиб келинган фаластинлик фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг ҳақиқий инсонпарварлик сиёсати намунаси эканини яна бир бор намоён этди. Хусусан, унда меҳмонларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш, жамиятга интеграция қилиш ишларини жадаллаштириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларнинг соғлиғини қўллаб-қувватлаш каби қатор вазифалар белгилаб берилди.

Фармондаги асосий ва алоҳида эътибор тортадиган жиҳатлардан бири — фаластинлик меҳмонларнинг фарзандларини таълимга жалб этиш масаласидир. Унга кўра, уларнинг фарзандлари боғчаларга



бепул қабул қилинади ва ота-оналари 2028 йил 1 январгача боғча хизматлари учун тўловдан озод этилади.

Қўшимча таълимга (касб-ҳунар, ахборот технологиялари, олий таълим ташкилотларига тайёрлаш йўналишида) жалб қилиш, ўқитиш харажатларининг 100 фоизи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Эътиборли томони, "маҳалла еттилиги" ва бошқа вакилларга меҳмонлар билан ишлашни ташкил этиш асосида уларни ҳамжиҳатликда маҳалланинг маънавий муҳитига мослаштириш бўйича қўшимча вазифалар юклатилди.

Меҳмонлар учун қатор ижтимоий ёрдамлар ҳам жорий этилмоқда, жумладан, кекса ва меҳнат ёшидаги меҳмонлар учун нафақалар, уй-жой ижараси харажатларини қоплаш, фарзанд туғилганда ва дафн этишда ўзбекистонликларга белгиланган миқдорда тўлов тўлаб берилиши шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ва Фаластин ўртасидаги қардошлик муносабатлари чуқур тарихий ва маданий илдизларга бориб тақалади. Чунки давлатимиз бу масалага нафақат сиёсий миқёсда, балки аниқ амалий ёрдамлар, ҳаракатларда ҳам ўз муносабатини изчил намоён этиб келмоқда. Жумладан, 2023 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фаластинлик қочқинларга ёрдам бериш ва ишларни ташкил қилиш бўйича БМТнинг Яқин Шарқ агентлиги орқали Ғазо сектори аҳолисига 1,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдами етказилди. Бундан ташқари, 2024 йил 24 декабрь куни Мисрнинг Рафаҳ шаҳридан Тошкентга эвакуация рейси амалга оширилиб, 100 нафар ярадор фаластинлик аёл ва болалар реабилитация учун Ўзбекистонга олиб келинди. Мамлакатимизда уларга малакали тиббий ёрдамлар кўрсатилиб, соғломлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди, энг муҳими, жафокаш фаластин халқи ўзбекистонликларнинг илиқ муносабатини, ғамхўрлиги ва эътиборини ҳис этди.

Навбатдаги қабул қилинган Фармон эса бевосита келтирилган фаластинлик фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Бу эса уларнинг бандлиги, меҳнат шароитларига эга бўлиши, фаровон яшаши учун имконият яратилиши, ижтимоий ҳимоя этилиши орқали мамлакатимизнинг инсонпарварлик ғояларига содиқлигининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

**Гулнора МАРУФОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.**

# ДЕПУТАТ СЎРОВИ — ЭЛНИНГ ОВОЗИ

*Давлатимиз раҳбари халқ билан мулоқотни жорий йилнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилар экан, раият ризолигини мамлакатимизда тинчлик барқарорлигининг кафолати, фаровонлик гаровининг муҳим шарти, дея таърифлайди. Шу асосда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда вакиллик органларининг куч ва салоҳияти сафарбар қилиниб, фуқароларни ўйлантираётган муҳим ҳаётий масалалар, ташвиш солаётган муаммолар атрофлича ўрганилмоқда. Уларнинг кўлами ва ижтимоий илдизлари таҳлил этилиб, аксариятига жойида ечим топилмоқда.*

## Маҳаллий Кенгашларда

Чунончи, Навоий вилоятида маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан сайловчилар билан учрашувлар, сайёр қабуллар ўтказилиб, шаҳар ва қишлоқлардан тортиб, олис Қизилқум кенгликларида истиқомат қилаётган чўпону чўлиқларнинг-да ташвиш ва эҳтиёжларига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Шундай учрашувлардан бири Қизилтепа туманидаги Янги ҳаёт маҳалласида халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати Бахтиёр Тошев билан ўтказилди. Унда ҳудуд аҳли ўзларини анча вақтдан буён қийнаб келаётган муаммоларни кўтарди. Масалан, Нозигул Ўктамова танаси куйганлиги сабабли даволаниш юзасидан, Беҳрўз Шоймов эса мутахассислиги бўйича иш билан таъминланишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Шунингдек, бир гуруҳ оқсоқолларнинг ҳудудларда овчилик хўжаликларининг ташкил этилмаганлиги, сўнгги уч йилда ёввойи ҳайвонларни рухсатномасиз овлаш ҳолатларининг аниқ таҳлилий маълумотлари юритилмаганлиги турли ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётганлиги ҳамда ҳудуддаги оилавий шифокорлик пунктида тунги тиббий хизмат йўлга қўйилмаганлиги туфайли кечки муолажаларни олишда қийинчиликлар туғилаётганлиги бўйича мурожаати асосида халқ вакили томонидан Навоий вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқларига депутатлик сўрови юборилиб, муаммо ўзининг ижобий ечимини топди.

Навоий — ҳудуд жиҳатидан энг йирик вилоятлардан бири. Бугун 1 миллион 100 минглик аҳолининг салкам саксон фоизи вилоятнинг серсув ва унумдор тупроқ шароитига эга ҳудудларида истиқомат қилса, қолганлари бийдай Қизилқум кенгликларида яшашади. Табиийки, ҳар бирининг шу омиллар билан боғлиқ ташвиш ва муаммолари мавжуд.

Донагул Бердалиева халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашига Конимех туманининг ана шундай олис чўл ҳудудидан сайланган. Депутатнинг туманидаги "Боймурод" ОФЙдаги сайловчилари билан мулоқотида Донгелек овули аҳолиси ҳудуддаги артезиан қудуғидан бюджет маблағлари ҳисобидан қувур тортиб, аҳоли хонадонларига сув олиб боришда, туман марказидан 150 километр олисликдаги Караката овули аҳолиси эса ҳудудда бирорта ҳам дорихона йўқлиги масалаларини кўтаришиб, амалий ёрдам сўрашди.

Мазкур масала бўйича депутат томонидан Конимех тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғига депутатлик сўрови юборилиб, айни пайтда муаммони ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

— Йил бошидан буён маҳаллий (вилоят, туман, шаҳар) Кенгашларнинг депутатлари томонидан ўз сайловчиларига ахборот бериш мақсадида 1007 та учрашув ўтказилиб, мазкур юзма-юз мулоқотларда ўз ечимини кутиб турган 1033 та масала кўтарилди, — дейди халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши котибияти мудири Жамолиддин Ҳамроев. — Шу кунга қадар ушбу муаммоларнинг 919 тасига ижобий ечим топилиб, 15 та мурожаат рад этилди. Қолган 99 таси иш жараёнида.

Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳал бўлган ҳар бир мурожаат аҳолининг давлатга ва ижро ҳокимиятига ишончини орттиради. Тўғри, халқ вакиллари ҳар бир мурожаат ва муаммони ҳал этолмаслиги мумкин, бироқ уни ўрганиш ва ечими йўлида турли идораларни безовта қилишнинг ўзи ечим йўлидаги дастлабки қадамдир. Шу ўринда бир мисол: Ғозғон шаҳар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими бошлиғи турли баҳоналар билан Кенгаш сессиясида иштирок этмай, ҳисобот беришдан бош тортганлиги сабабли, халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг шу йил 4 июлдаги сессияси қарори асосида эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Аҳолининг эртанги кунга ишончи ва бугундан рози ҳаёт кечиришини таъминлашда мурожаатлар билан ишлаш ва юзма-юз мулоқотларнинг ўрни алоҳида. Зеро, ташвишли фуқаро наинки раҳбар, балки жамиятдан ҳам норози кайфиятга тушади.

Инсон омили ва унинг манфаатлари юксак қадрият даражасига кўтарилиб устувор тутилгач, масъул раҳбарларнинг бунга муносабати ўзгарди. Узоқ йиллар "мавсумбозлик"ка ўрганиб, буниси ҳам "ўтиб кетар" қабилида иш тутиш ўзини оқламаганлиги бугун рўбарў келинаётган муаммоларнинг илдизидир. Қолаверса, ҳар бир мурожаат ортидаги фуқаро ташвишини чуқур ўрганиш, унга мутасаддининг муносабати ўша раҳбарга халқнинг ишончини ҳам белгиламоқда.

Шу жиҳатдан, фуқароларимиз ўз қонуний манфаатлари таъминланишидаги ҳуқуқлари бузилса, муаммолари мутасадди идоралар томонидан вақтида ҳал этилмай сарсон бўлса, ўзи сайлаган депутатга мурожаат қилади. Депутат эса ўша мутасаддини сайлаган ва унга шу ваколатни сайловчи берган. Ушбу механизмнинг соз ишлаши кўплаб муаммоларга ечимдир.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Тухфа**

# Ғиждувонда маданият маркази фойдаланишга топширилди

*Нечоғли ғайритабиий туюлмасин, Ғиждувондай салоҳияти юқори туманда шу пайтга қадар маданият маркази йўқ эди. Истиқлол байрами арафасида бу кемтиклик ўрни тўлдирилди. Туман марказидаги қадимий Чорсу маҳалласи ҳудудида икки қаватли кўркам бино қад ростлади.*



— Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 31 май — 1 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида бир қатор иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, Ғиждувонда замонавий маданият маркази барпо этиш юзасидан кўрсатма берилган эди, — дейди меҳнат фахрийси Ражаб Авезов. — Буни қарангки, қисқа муддат ичида шундай кўркам иншоот қурилди. Орзуимиз рўёбга чиқди.

"Бухоро агрокластер" масъулияти чекланган жамияти томонидан 33 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига бунёд қилинган масканда маданият ва санъат соҳасига меҳр қўйган ёшларнинг иқтидорини юзага чиқариш учун барча қулайлик яратилган. Анъанавий хонандалик, чолғу асбоблари, рақс, драма тўгараклари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бино жами 70 та машғулот хонасидан иборат.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Арнасой туманида Айдар кўли атрофида юртимиз табиати ва туризм салоҳиятини ифода қилувчи янги экотуризм маскани барпо этилмоқда.**

# МУЗЛИКЛАР ЭРИМОҚДА

## Марказий Осиё учун хавф нимада?

*Кейинги йилларда иқлим ўзгариши глобал миқёсда жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани бор гап. Бу муаммо Марказий Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтмайди. Минтақа иқтисодиёти ва аҳолисининг ҳаёти сув ресурсларига боғлиқ бўлгани сабабли иқлим ўзгаришининг сув таъминотига таъсири алоҳида хавотир уйғотади.*

*Марказий Осиё иқлим ўзгаришининг таъсирига энг кўп дучор бўлган минтақалардан биридир. Сўнгги ўн йилликларда ҳароратнинг кўтарилиши, ёғингарчиликнинг ўзгариши ҳамда музликларнинг эриши кузатилмоқда. Яқин келажакда Марказий Осиёдаги, жумладан, Ўзбекистондаги сув билан боғлиқ вазият янада ёмонлашиши мумкин.*

### Долзарб мавзу



Мамлакат ҳозирги кунда Оролбўйи ва Амударёнинг қуйи оқимида қурғоқчилик билан курашаётган бўлса, кейинги ўн йилларда бу кескинлашув бошқа ҳудудлар, айниқса, Амударёнинг ўрта оқимида ҳам юз бериши мумкин. Сабаби Тожикистон ва Қирғизистон тоғларидаги музликлар ҳар доимгидан-да юқори суръатда эримоқда. Ўзбекистоннинг асосий сув таъминотчилари бўлган Амударё ҳамда Сирдарё эса айни музликлардан қувват олади. Жорий йилнинг май ойида Душанбеда музликларни асраш бўйича ўтказилган илк халқаро конференцияда ҳам Тожикистон музликлари юқори суръатда камайиб бораётганидан ташвиш билдирилган эди.

Бу, ўз навбатида, сув таъминотининг ярмидан кўпини Тожикистондан олувчи Ўзбекистон учун ҳам хавотир келтириб чиқаради. Охирги йиллардаги ҳукумат қарорлари ва лойиҳаларига қарамасдан, мамлакатда сув билан боғлиқ муаммолар ҳануз кўпайишда давом этмоқда.

Иқлим исиб, қурғоқчилик хавфи ортиб бораётган бир пайтда Душанбедаги сўнгги тадбирлар минтақамиз учун нимани англатади? Марказий Осиё айни ресурс тақсимотини қандай йўлга қўймоқчи? Сув минтақада геосиёсий қуролга айланиши мумкинми? 29 — 31 май кунлари Душанбедаги халқаро конференцияда минтақадаги музликларга доир қатор маълумотлар эълон қилинди. Мутахассислар уларнинг аксарини хавотирли ва жиддий эътиборга молик дея баҳоламоқда.

Унга кўра, Тожикистон сўнгги 23 йилда мингдан ортиқ музликларни йўқотган. Бу мамлакатдаги жами музликларнинг қарийб 10 фоизини ташкил этади. Айни ҳолат бутун Марказий Осиё бўйлаб миллионлаб одамлар ҳаётини хавф остига қўйиши турган гап. Жумладан, Ўзбекистон учун ушбу маълумотлар огоҳлантириш каби янграши табиий. Сабаби биринчидан, юқори кўрсаткичдаги демографик ўсиш даврида бу янада хавотирли тус олиши мумкин.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг қарийб 40 миллионга яқинлашган аҳолиси сув тақчиллигининг турли таъсирларида аллақачон яшаб келади. Минтақамизнинг бошқа мамлакатларида ҳам вазият шундай. Боз устига, буни сўнгги йилларда ошаётган нархлар ва қишлоқ хўжалигида унумдорликнинг камайиши мисолларида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон сув ресурсларининг катта қисми трансчегаравий дарёларга, айниқса, Тожикистон ҳудудидан келувчи сув оқимларига боғлиқ. Тожикистон бутун Марказий Осиёда энг кўп музликларга эга бўлган давлат сифатида Ўзбекистоннинг сув хавфсизлигида ҳал қилувчи ўринга эга. Амударё ва Зарафшон дарёларининг бош оқимини, асосан, Тожикистон тоғ тизмаларидан бошланувчи ирмоқлар ташкил қилади. Маълумотларга кўра, Ўзбекистондаги умумий дарё оқимининг тахминан 80 фоизи ташқи ҳудудлардан келади. Шундан 60 фоизга яқини Тожикистондан. Ушбу мамлакатдаги музликлар, асосан, юқори тоғли ҳудудларда жойлашгани боис, улар табиий сув омбори вазифасини бажаради. Йил давомида аста-секин эрийдиган музликлар дарёлар учун табиий регулятор ролини ўтайди. Бироқ айни музликлар тез суръатда эрийдиган бўлса, бу Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида ҳосилдорликни хавф остига қўяди. Сабаби келгуси ўн йилликларда кутилаётган юқори ҳарорат дарёлар баҳорда тошиб кетиши, ёзда эса қуриб қолиши эҳтимолини ошириши мумкин.

Илмий кузатувларга кўра охирги 50 йилда Марказий Осиёда ҳаво ҳарорати ўртача 1,5 — 2°С га ошган. Бу эса музликларнинг эриш суръатини сезиларли даражада тезлаштирди. Натижада баъзи тоғли ҳудудлардаги музликлар ҳажми 30 — 40 фоизгача қисқаргани кузатилмоқда. Бу жараён алоҳида йилларда секин кечаётгандек туюлса-да, узоқ муддатли ўзгариш сифатида жуда хавотирли. Бошқа томондан, ёғингарчилик миқдори ва тақсимотининг ўзгариши қишлоқ хўжалиги ва сув таъминотига жиддий таъсир кўрсатади.

Баъзи ҳудудларда қурғоқчилик кучайса, бошқаларида сув тошқинлари хавфи ортади. Ҳароратнинг кўтарилиши эса сувнинг буғланишини оширади, бу сув танқислигини янада кучайтиради. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларининг сувга бўлган талаби ортади.

### Салбий таъсирни юмшатиш зарурати

Иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига бўлган салбий таъсирини юмшатиш ва сув муаммоларини ҳал қилиш учун Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари етарли чораларни кўриши зарур, албатта. Минтақанинг етакчи мамлакати сифатида Ўзбекистон томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, сув ресурсларини бошқаришнинг самарали усулларини жорий этиш, сувдан тежамли фойдаланиш технологияларини қўллаш ва исрофини камайтириш юзасидан амалий қадамлар ташланмоқда.

Суғориш тизимларини модернизация қилиш, томчилатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларни қўллаш сувдан самарали фойдаланишга ёрдам беряпти. Ер остидан олинаётган сувларни оқилона бошқариш, сувни тозалаш технологияларини қўллаш ва сунъий сув ҳавзаларини яратиш орқали янги обиҳаёт манбаларини яна излаш аллақачон бошлаб юборилган.

Иқлим ўзгаришининг эҳтимолий таъсирларини баҳолаш ва мослашиш стратегияларини ишлаб чиқиш, жумладан, қурғоқчиликка чидамли экинларни экиш ва сув тошқинларидан ҳимояланиш чораларини кўриш устувор вазифага айланган. Албатта, бир мамлакатнинг саъй-ҳаракатлари билан муаммони ечиб бўлмайди. Бунинг учун ҳамкорлик керак.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сув ресурсларини бошқариш бўйича шерикликни кучайтириш, сув тақсимоти ва сувдан фойдаланиш бўйича келишувларга эришиш зарур.

Минтақа мамлакатлари ўртасида сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича келишувлар имзоланган. Аммо баъзи кузатувчилар ушбу келишувларнинг кейинги тақдири музликлардаги барқарорликка боғлиқ деган фикрда. Иқлим ўзгариши фонида уларнинг илмий ҳамкорлиги, мониторинг тизимлари ва сув сиёсати бир-бирига мос бўлиши талаб этилади. Тожикистон ва Қирғизистондаги музликлар барқарорлиги Ўзбекистоннинг келажакдаги сув таъминоти учун стратегик аҳамиятга эга.

Марказий Осиёдаги музликларнинг жадаллик билан эриши ҳам беш мамлакатнинг сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилмасига бевосита таъсир қилмоқда. Амударё ва Сирдарё асосий сув манбалари бўлиб, улар оқимининг катта қисми тоғ музликлари орқали шаклланади. Шу боис бу музликлардаги ҳар қандай ўзгариш Ўзбекистон сув тизимининг барқарорлигига хавф солади.

Дарвоқе, ҳозир ҳам дарё оқимларининг мавсумий ва умумий ҳажми ўзгариб бормоқда. Илгари баҳор ва ёз ойларида барқарор равишда дарёга қуйиладиган музлик сувлари бугунги кунда май-июнь ойларига келибгина тўлиб оқмоқда. Натижада июль-августга бориб, сув танқислигининг кузатилиши мавсумий ҳодисага айланиши мумкин. Сув ҳажмининг бу каби камайиши туфайли минтақада деҳқонлар ўз вақтида етарли миқдорда сув ололмаяпти. БМТ ўрганишларига кўра, бу Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида айниқса сезилмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, Марказий Осиёда музликларнинг тез эриши минтақанинг сув ресурслари билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий тизимларига сезиларли таъсир кўрсатишни бошлаган.

Германиянинг Постдам иқлим ўзгаришини ўрганиш институти, Ерни тадқиқ қилиш маркази (GFZ) ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети олимлари, докторантлари ва ёш тадқиқотчилари томонидан Ўзбекистондаги йирик музлик — “Пахтакор” ўрганилмоқда.

Ўрганиш жараёнида музликларнинг қалинлиги йилига 3 метрдан зиёд камайиб бораётгани кузатилди. Жорий йилда ташкил қилинган учинчи экспедиция тадқиқотчилари қор тўпланаётган ҳудудларнинг икки нуқтасида қор қалинлигини ўлчади, уларга атиги 110 сантиметр ва 80 сантиметр ёғин ёққани аниқланди.

Мутахассислар таъкидлашича, сув таъминоти барқарор бўлиши учун тоғ ҳудудларида йилига 2,5-3 метрлик қор қатлами юзага келиши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон музликлари экологик мувозанатда катта ўрин тутади. Минтақага келаётган обиҳаётнинг 25 фоизини таъминлайди. “Пахтакор”га борган экспедиция аъзолари ҳарорат, намлик, ёғинлар ва шамолнинг йўналишини автомат тарзда аниқловчи метеостанция ўрнатди. У тўплаган маълумотлар асосида фақат Марказий Осиё эмас, дунё бўйича иқлим ўзгариши асоратларини юмшатишга қаратилган илмий ечимлар ишлаб чиқилади.

Сўнгги йилларда музликларнинг эриши натижасида ушбу дарёларнинг сув миқдори камайган суғориш учун сув етишмовчилиги натижасида кўплаб майдонларда экинлар вақтида суғорилмай қолмоқда. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлиги учун ҳам таҳдид туғдираётгани сир эмас.

Ҳосилдорликнинг пасайиши нафақат фермерларнинг даромадига, балки мамлакат экспорти ҳажмига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, сув танқислиги ва қишлоқ хўжалигидаги қийинчиликлар миграция жараёнларини кучайтириши мумкин. Сувсизлик натижасида қишлоқ ҳудудларида иш ўринлари камаяди. Аҳолининг шаҳарларга ёки чет элга кўчиши кўпаяди.

Яна бир халқаро ҳисоботда иқлим ўзгариши Марказий Осиё мамлакатлари ҳаётини қийинлаштиришидан огоҳлантирилди, таҳдидга қарши барча амалларни самарали мувофиқлаштириб курашиш зарурлиги таъкидланди. Жаҳон метеорология ташкилоти узоқ муддатли прогнозини эълон қилди.

Ушбу ҳисоботга кўра, Марказий Осиё дунёнинг бошқа жойларига солиштирганда ҳам кучлироқ қизиб боряпти. Марказий Осиё мамлакатлари зудлик билан қурғоқчилик, музликларнинг шиддат билан эриши ва беқарор ёғингарчиликлар шароитига мослашишлари лозим, акс ҳолда сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги ва энергетика билан боғлиқ таҳдидлар янада кучаяди. Жаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, 2025 — 2029 йиллар давомида ҳар бир йил 1991 — 2020 йиллардаги меъёрдан иссиқроқ бўлиши мумкин. Глобал ҳарорат баъзи йилларда саноатдан фойдаланишга киришилган даврдагига нисбатан солиштирганда +1.5°С дан кўтарилиб кетиш эҳтимоли бор.

Минтақанинг энг йирик музлиги — Тожикистондаги Федченко музлигининг 40 фоизи аллақачон эриб бўлган. Қирғизистон ўзининг асрий музликларининг 30 фоизидан айрилган.

Айни ҳолат Қирғизистон ва Тожикистон каби иқтисодиёти гидроэлектростанцияларга боғлиқ мамлакатлар учун катта муаммо. Одатда май — сентябрь ойларида минтақанинг аксар ҳудудида ёғингарчилик кузатилмайди, бундан буёғига эса Жаҳон метеорология ташкилоти ёз ойларидаги вазиятнинг меъёрдан юқори бўлиши эҳтимоли 82 фоизни ташкил этиши мумкинлигидан огоҳлантиряпти, бу ёзда ёғингарчилик, кейин эса қурғоқчилик рўй беради, деганидир.

2024 йил тарихдаги энг иссиқ йил сифатида қайд этилди — ҳарорат саноатгача бўлган даврдагига нисбатан +1.55°С га кўтарилган. Асрий музликлар ҳозирги суръатда эришда давом этаверса, минтақа экологик фалокатга тўқнаш келиши мумкин. “Mercy Corps” халқаро инсонпарварлик ташкилоти мутахассислари Афғонистон пойтахти Кобул шаҳри яқин орада дунёдаги тоза ичимлик суви манбасидан айрилган илк шаҳар бўлиши мумкинлигидан огоҳлантириб чиқди. Айни пайтда мамлакатимизда табиий-иқлим шароити оғир бўлган ҳудудлар сони кўпаймоқда.

Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистоннинг Амударё ва Бўзатов туманларини табиий-иқлим шароити оғир ва ноқулай бўлган ҳудудлар рўйхатига киритган.

Яна бир гап. Албатта, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун бир муҳим ресурс керак, бу — сув. Бу, эҳтимол, энг асосий элементдир, усиз на ўсимликшуносликни, на чорвачиликни ривожлантириш мумкин. Энг замонавий фермаларни қурса бўлади, энг яхши техникани харид қилиш ва илғор технологияларни қўллаш мумкин, лекин далаларни суғориш ёки чорва учун сув бўлмаса, барча саъй-ҳаракатлар беҳуда кетади.

> ***Президентимиз 12 август куни сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишуви чоғида 2020 — 2024 йилларда сувни тежаш мақсадларига 60 триллион сўм бюджет маблағлари ҳамда 622 миллион доллар хорижий инвестиция йўналтирилганини таъкидлади. Натижада 2020 йилда сув тежовчи технологиялар қўлланган майдонлар жами суғориладиган майдонларга нисбатан 4 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 50 фоизга етган.***

### Сувсиз аграр сектор ривожланолмайди

Сув, бу — асос, пойдевор, усиз аграр сектор ривожлана олмайди. Иқлим ўзгариши ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари шароитида қишлоқ хўжалигини етарли миқдорда сув билан таъминлаш шунчаки муҳим вазифа эмас, балки миллий хавфсизликнинг ўта муҳим масаласига айланмоқда. Сув танқислигига нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг қўшни давлатлари ҳам дуч келмоқда. Яқинда Қозоғистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё ҳукумат вакилларининг кенгашида сув масаласи кескин кўтарилди. Унда таъкидланганидек, минтақадаги сув ресурслари адолатли тақсимланиши керак.

Трансчегаравий дарёларни бошқарадиган асосий марказ бўлган Марказий Осиё давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг бу йиғилиши қурғоқчилик туфайли чақирилган ва диққат марказида тезкор савол турарди: сувни қандай қилиб адолатли тақсимлаш керак? Бу шунчаки статистика эмас, бу дарё оқими пастида яшайдиганлар учун ҳақиқий таҳдид.

Комиссия доирасидаги олдинги келишувлар тўлиқ бажарилмаётганини ҳам таъкидлаш керак. Мамлакатлар қуруқ ваъдалардан аниқ қадамларга ўтиш ва ўзаро ишонч асосида сувдан фойдаланишда ҳамкорликни мустаҳкамлаш вақти келди. Фақат биргаликдаги иш барчамиз учун ва бутун минтақага сезиларли натижалар беради.

Давлатимиз раҳбари асримизнинг энг оғир муаммосини ечиш учун нафақат халқаро майдонда ўз таклиф ва ташаббусларини илгари суряпти, балки мамлакат ичкарисида ҳам тизимли чора-тадбирларни кўряпти.

Хусусан, Президентимиз 12 август куни сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишуви чоғида 2020 — 2024 йилларда сувни тежаш мақсадларига 60 триллион сўм бюджет маблағлари ҳамда 622 миллион доллар хорижий инвестиция йўналтирилганини таъкидлади. Натижада 2020 йилда сув тежовчи технологиялар қўлланган майдонлар жами суғориладиган майдонларга нисбатан 4 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 50 фоизга етган. Энди бу ишларнинг изчил давоми сифатида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди.

Дастурда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга устувор аҳамият қаратилган. Шу мақсадда 2 минг 551 километр ирригация тармоқлари реконструкция қилиниши белгиланган. Насос станцияларидаги эски ускуналарни тежамкорига алмаштириш орқали уларнинг йиллик электр энергияси истеъмолини 6,8 миллиард кВт/соатдан 6,2 миллиард кВт/соатгача камайтириш мўлжалланган.

Ерларнинг ҳолати ҳам сув сарфида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис дастурда сув таъминоти паст бўлган суғориладиган майдонларни 424 минг гектардан 276 минг гектаргача камайтириш кўзда тутилган. Турли даражада шўрланган ҳамда ер ости сувининг сатҳи муаммоли бўлган майдонлар ҳам камайтирилади.

Натижада фойдаланишдан чиқиб кетган 460 минг гектар ер экишга қайтарилади. Яна 1 миллион 400 минг гектар ерда сув тежовчи, жумладан, 293 минг гектарда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилади. 20 та йирик иншоотда назорат-ўлчов ускуналари модернизация қилинади.

Сув ҳисобини юритишда инсон омилини камайтиришга ҳам эътибор кучайтирилади. Бу борада 12 мингта мелиоратив кузатув қудуғида ҳамда 1 минг 750 та насосда замонавий мониторинг йўлга қўйилади. 12 та йирик сув хўжалиги иншооти рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказилади. Умуман, дастур натижасида бетон қопламали каналлар улуши ҳозирги 39 фоиздан 47 фоизга етади. Ирригация тармоқларининг сифати ошиб, йўқотишлар камаяди. Тежамкорлик ҳисобига бу йил 10 миллиард куб метр, 2028 йилга бориб 14 миллиард куб метр сув иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастурини тасдиқлади. Ҳозирги кунда вилоятлар, туманлар ва хўжаликлар миқёсидаги 18 минг 755 та гидропостни автоматлаштириш бошланган. Кейинги босқич далаларга сув тақсимловчи нуқталарда режалаштирилган.

Сув хўжалигини рақамлаштириш ҳам муаммонинг ечимига кўмаклашади. Шу сабабли соҳага дахлдор идоралардаги 11 та дастурни интеграция қилиб, ягона платформа ишлаб чиқиш, IT-марказ ва Вазиятлар маркази ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Бунда “Ўзбеккосмос” имкониятларидан кенг фойдаланилади. 5 минг 200 та насосни электр ва сув ҳисоблагичлар билан жиҳозлаш, йирик насосларни муқобил энергияга ўтказиш вазифаси қўйилди.

Бунда олинадиган маълумотлар рақамли платформада жамланади, сувнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилиб борилади. Бугунги кунда 2 минг 612 та сув объекти давлат-хусусий шерикликка берилган. Энди йирик насослар ҳам хусусий секторга таклиф этилади. Уларнинг ҳар бири учун алоҳида жозибадор шартлар ишлаб чиқилади.

Демак, кўрилаётган чоралар халқимизнинг оғирини енгил қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг ҳар томонлама барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Сув ресурсларини самарали бошқариш, суғориш тизимларини модернизация қилиш, янги сув манбаларини излаш, иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва минтақавий ҳамкорликни кучайтиришдан кўзланган мақсад ҳам шу аслида. Фақат шундагина минтақанинг барқарор ривожланиши ва аҳолининг фаровонлигини таъминлаш мумкин.

**Баҳодир МИРЗАЕВ,**
**«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ректори, профессор.**

## ВОДИЙЛАРНИ яёв кезганда...

### Раҳмат сизга, яхши одамлар!

*Фарғона шаҳрида яшовчи Карина Бурнашева истиқлол байрами арафасида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ўзи учун харид қилинган янги хонадонга кўчиб ўтди.*



— Янги Ўзбекистонда ҳеч ким давлатимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолаётгани йўқ, — деди К. Бурнашева қувонч кўз ёшларини яшира олмай. — Ана шундай меҳр ва эътибор учун Президентимиздан миннатдорман.

Айтиш жоиз, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳар йили юртимизда юзлаб меҳрга ташна қалб эгаларининг уйли бўлишига хизмат қилмоқда. Бу эса янги авлод вакилларининг мустақил ҳаётда муносиб ўрин топишида жуда муҳимдир.

Фарғона вилоятида жорий йилда 57 нафар йигит-қиз юқоридаги қарорга биноан бепул уй-жой билан таъминланиши кўзда тутилган бўлса, шу кунга қадар 35 та уй хариди билан боғлиқ тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

### Корхонада қарийб 2 мингта иш ўрни яратилади

*Қўштепа туманида Шри-Ланка мамлакати инвестицияси ҳисобига ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Ушбу лойиҳа қиймати 15 млн. доллар бўлиб, тўлиқ қувватда ишга тушгач йилига 10 млн. дона трикотаж маҳсулотлари тайёрланади ҳамда юз фоиз экспортга йўналтирилади.*



— Биринчи босқич доирасида 400 нафар ҳамюртимиз юқори даромадли иш ўрнига эга бўлди. Истиқболли лойиҳанинг иккинчи босқичида қарийб 2 мингта доимий иш ўрни яратиш мақсад қилинган, — дейди Қўштепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳроржон Юнусов. — Замонавий корхона туманимизнинг саноат ва экспорт салоҳиятини ошириб, камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Корхонада “Устоз — шогирд” анъанаси асосида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш режалаштирилган. Айни пайтда ходимларнинг ишга келиб-кетиши учун 14 та махсус автобус қатнови, бепул тушлик йўлга қўйилган.

### Қулай ва экологик тоза транспорт

*Фарғона шаҳрида аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини янада ошириш, йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш, жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.*



Айни жараёндаги саъй-ҳаракатлар доирасида “Фарғонаавтотранс хизмат” МЧЖ томонидан Хитойдан яна қўшимча 24 та “Yutong” электробуси олиб келинди. Янги автобуслар яқин кунларда Фарғона шаҳри йўлларида брутто-шартнома асосида аҳолига хизмат кўрсатишни бошлайди.

— Келишувга биноан жорий йилнинг сентябрь ойи якунига қадар Хитойдан яна 30 га яқин замонавий автобуслар олиб келинади, — дейди вилоят транспорт бошқармаси бўлим бошлиғи Шамсурбек Маҳмудов. — Бу эса аҳолига қулай шароит яратиш билан бирга, атмосферага зарарли моддалар чиқарилишини камайтиришга хизмат қилади.

**Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).**

**Мамлакатимизда япониялик ҳамкорлар кўмагида халқаро стандартлар бўйича эрта реабилитация хизмати жорий этилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-6768

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6